

Раупов С.С.
БухДУ "Ижтимоий –
сиёсий фанлар" кафедраси профессори,
тарих фанлари номзоди

СИЁСАТШУНОСЛАР ТАЙЁРЛАШ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Аннотация. Мақолада Сиёсатшунослик фанининг шаклланиш тарихи ёритилиб, унда Шарқ мутафаккирларининг қўшган ҳиссаси кўрсатиб берилган. Иккинчи жаҳон урушдан кейин Сиёсатшуносликнинг фан сифатида тараққий этишида янги давр бошланганлиги, лекин собиқ Шўролар ҳукумати бу фаннинг ривожланишини эътироф этмай, олий таълим муассасаларига бу фаннинг ўқитилишига изм бермаганлиги ёритилган. Фақат мустақиллик туфайли Сиёсатшунослик фанининг ўқитилиши йўлга қўйилиб, сиёсатшунос кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилганлиги кўрсатиб берилган. Фанни ўқитишнинг муайян муддатга тўхтатилиб, кейинчалик қайта йўлга қўйилганлиги ҳақида ёзилган. Ҳозирда сиёсатшунос кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш учун мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини беришга ҳаракат қилинган.

Таянч сўзлар: сиёсат, сиёсатнинг бош мақсади, Сиёсатшуносликнинг шаклланиши тарихи, мустақиллик ва Сиёсатшуносликнинг ўқитилиши, сиёсий таълим муаммолари.

ПОДГОТОВКА ПОЛИТОЛОГОВ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Резюме. В статье освещается история формирования науки политологии, показан вклад восточных мыслителей в её развитие. Отмечается, что после Второй мировой войны начался новый этап в развитии политологии как науки. Однако бывшее советское правительство не признавало развитие этой дисциплины и не позволяло преподавать её в высших учебных заведениях. Только с обретением независимости было налажено преподавание политологии, уделено внимание подготовке политологов. Указывается, что преподавание этой науки на некоторое время приостанавливалось, но впоследствии было возобновлено. В работе также рассматриваются существующие проблемы в подготовке специалистов-политологов и предпринимаются попытки обозначить пути их решения для дальнейшего развития данной сферы.

Ключевые слова: политика, основная цель политики, история формирования политологии, независимость и преподавание политологии, проблемы политического образования.

TRAINING POLITICAL SCIENTISTS: PROBLEMS AND PROSPECTS

Abstract: The article highlights the history of the formation of political science as a discipline and shows the contribution of Eastern thinkers to its development. It is noted that after the Second World War, a new stage began in the evolution of political science as an academic field. However, the former Soviet government did not recognize the development of this discipline and did not permit its teaching in higher educational institutions. Only after the achievement of independence was the teaching of political science established, and attention was given to the training of political scientists. The article also mentions that the teaching of this subject was suspended for a certain period but was later resumed. Furthermore, the paper examines existing problems in the training of political science specialists and attempts to propose solutions for their improvement and for the further development of this field.

Keywords: politics, main goal of politics, history of the formation of political science, independence and the teaching of political science, problems of political education.

Кириш. Сиёсат – ижтимоий ҳаётда кенг тарқалган тушунчалардан биридир. У кундалик турмушда ҳам, илмий адабиётларда ҳам кўп маънода ишлатилади. Кундалик ҳаётда кишилар кўпинча ҳар қандай мақсадга мувофиқ ижтимоий фаолиятни сиёсат деб аташади. Бу муайян мақсадга бўйсундирилган партия ёки фирма раҳбарининг фаолияти ёхуд эрнинг хотинига, болаларига, бутун oilасига муносабати бўлиши ҳам мумкин. Сиёсат кишиларнинг биргаликда яшаш, имкониятини рўёбга чиқариш санъати, кўп ҳолларда эса «зўравонлик воситаси» сифатида талқин этилади.

Сиёсатнинг бош мақсади – жамиятнинг фақат иқтисодий ёки маънавий-маърифий соҳасини ривожлантириш ва моддий, маънавий бойликларни тобора кўпроқ ишлаб чиқариш эмас, балки унинг беистисно барча соҳаларини тараққий эттириш ва мустаҳкам бир бутунлигини, хавфсизлигини, бар-қарорлигини, тинч-тотувлигини, осойишталигини таъминлашдан иборатдир.

Адабиётлар таҳлили ва методлар. Одамлар сиёсатни кундалик амалий тажриба орқали оддий кузатувлар ва тадқиқотлар натижасила олинган илмий билимлар асосида идрок этадилар. Сиёсат тўғрисидаги кундалик, тартибга солинмаган тасаввурлар кўп минг йиллардан буён мавжуд. У ёки бу шаклда улар ҳар бир инсонда мавжуд оммавий онгнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Бу жараёнда Сиёсатшунослик фанининг ўрни бекиёсдир.

Сиёсатшунослик бой мазарий ва амалий тажрибага асосламган фан бўлиб, унинг ибтидоси Комфуций, Платон ва Аристотель яшаган замонларга бориб тақалади. У сиёсий тараққиётнинг йўналишлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш жараёнида сиёсий фаолиятнинг характери, мақсадлари, манфаатлари, моҳияти ва усулларини таҳлил этади ҳамда сиёсий ғояларнинг моҳият-мазмунини, сиёсатда эришилган ютуқ на йўл қўйилган хатоларнинг илдизларини очиб беради.

Сиёсат билан шуғулланиш жараёнлари давлат ҳокимияти механизмининг шаклланиши билан бошланган бўлиб, ибтидоий даврлардан бошлаб амал қила бошлаган. Кейинчалик Шарқ давлатчилиги (Миср, Бобил, Шумер, Аккад, Мидия, Форслар давлати, Ассурия, Урарту), Юнон полислари, Рим республикаси, Бахтрия, Хунлар давлати, Парфия, Кушон давлатларида амал қилган ҳокимиятлар сиёсатини ўрганиш, улар ечимини топишга интилиш, сиёсий билимларнинг назарий-методологик асосларини яратиш зарурияти вужудга келди. Жамиятни сиёсий бошқариш маҳорати ҳамда санъати тўғрисидаги дастлабки сиёсий ғоялар ва таълимотлар, қонун-қоидалар мажмуи яратилиб, амалиётга киритила бошланди. «Авесто»да ифода этилган жамият сиёсий ҳаётининг тартиб-қоидалари, Хамураппи қонунлари, Ману қонунлари, Ликург, Драконт, Солон қонунлари, Конфуций, Сукрот, Афлотун, Арасту сиёсий таълимотлари, Юстиниан кодекслари, Темур тузуклари, сиёсий арбобларнинг қарашлари ва Ер қуррасининг турли ҳудудларида вужудга келган сиёсий фикр-мулоҳазалар, ғоялар, таълимотлар мажмуи ҳозирда шаклланиб, кенг қўламда амал қилаётган сиёсатшунослик соҳасига манба бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари. Иккинчи жаҳон урушдан кейин сиёсатшуноеликнинг фан сифатида тараққий этишида янги дапр бошланди. Бу фанга муайян мамлакатлар манфаатлари нуқтаи назаридан эмас, балки умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан қаралувчи халқаро фан сифатида ёндошиш келиб чиқанки, бунда БМТнинг ташкил топиши ва фаолияти катта ижобий таъсир кўрсатди.

Бу даврда ЮНЕСКО сиёсий фанларни демократик жараёнларда муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиб, уларни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни кўра бохштади. 1948 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда сиёсий фанлар масалалари бўйича халқаро коллоквиум ташкил этилди.

1949 йилда ЮНЕСКО доирасида Парижда Сиёсий фанларнинг халқаро уюшмаси ташкил этилди. Унинг ҳар йилда ўтказиб туриладиган конференцияси сиёсий тадқиқотларни ривожланишида муҳим рол ўйнади.

Конференцияда сиёсий фанларни сиёсий пазария, сиссий институтлар, партиялар, гуруҳлар, ижтимоий фикр, халқаро муносабатлардан иборат тўрт

гуруҳга бўлиш ҳамда ЮНЕСКО аъзолари бўлган мамлакатлар олий таълим тизимида сиёсатшуносликни фан сифатида ўқитишни йўлга қўйиш таклиф этилди. Ғарбий Европанинг барча, Шарқий Европанинг айрим давлатлари ушбу таклифни амалиётга татбиқ этдилар. Шу аснода аста секин сиёсий фан институтлари тикланди. 1949 йилда сиёсий фанларнинг халқаро ассоциацияси ташкил этилди.

Бироқ собиқ СССР ва унга мафкуравий тобе давлатларда Сиёсатшunosлик фани ўқитилмади, фанга доир бирор журнал ёки газета нашр этилмади. Чунки мустабид тузум фуқароларнинг сиёсат илмидан хабардор бўлишлари уларда коммунистик партия ва совет давлати сиёсатига нисбатан танқидий, ҳеч бўлмаса таҳлилий ёндашувни шакллантиришидан хавфсирар эди.

XX асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларнинг бошларига қадар собиқ Иттифокда Сиёсатшunosлик фанига доир биронта ҳам китоб нашр қилинмаган, дарслик ёки ўқув қўлланмаси ёзилмаган. Фақат 60-йилларнинг ўрталарига келиб, айрим жамиятшunos ва ҳуқуқшunos олимлар бу фаннинг баъзи масалаларини ёритишга доир илмий мақолалар билан чиқа бошлаган эдилар.

Фақат мустақиллик туфайли мамлакатимиз олий ўқув юртларида Сиёсатшunosликни фан сифатида ўқитиш имкони пайдо бўлди. 1992 йилдан бошлаб Сиёсатшunosлик фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Бу ҳаракат, аввало, сиёсий билимларга нисбатан ижтимоий эҳтиёжни қондириш воситаси, иккинчидан, ҳар бир киши ва бутун жамиятнинг сиёсий онги ҳамда маданиятини юксалтиришга қаратилган узлуксиз тадбир эди. Чунки фуқароларнинг оқилона қарорлар қабул қилиши, сиёсатда иштирок этиш қобилияти стихияли (тартибсиз) тарзда шаклланмайди, балки етарли билим ва тажрибани мунтазам ўзлаштириш натижасида вужудга келади. Бундай қобилият эса айнан Сиёсатшunosликни чуқур ўзлаштириш а юқори сиёсий маданиятга эришиш туфайли шаклланади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз ўқув юртларида сиёсатшunos кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўша вақти ушбу касб давлатнинг демократик ривожланиши учун керакли бўлган муҳим касб дея қўрилган. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшunosлик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетларида сиёсатшunosлик факультетлари фаолият юритиб, ҳар йили юзлаб кадрлар тайёрланган.

Илмий кенгашлар фаолияти йўлга қўйилиб, бир қатор ўзбек сиёсатшunos олимлари «Сиёсий Фанлар Халқаро Ассоциацияси» (ИПСА)га ҳам аъзо бўлишган.

Бироқ кейинчалик сиёсатшunosлик фани ўқув дастурларидан олиб ташланиб, олий ўқув юртлари сиёсатшunos мутахассислар тайёрлашни тўхтатади. Бу ишларга изоҳ сифатида Сиёсатшunosлик фанининг предмети бошқа фанларда ҳам такрорланаётганлиги, Сиёсатшunosликда илмий методология йўқлиги ва ниҳоят, илмий адабиёт Ғарбда кенг тарқалган назариялар тўғрисида кўпроқ маълумот бериб, ўзимизга хос тараққиёт йўлимиз, «Ўзбек модели»нинг атрофлича тушунтирилмаётганлиги, сиёсатшunosликнинг мазмуни ва таркиби замонавий талабга жавоб бераётганлиги ҳақида хулосага келинганлиги айтилди.

Хуллас, 2012–2013 ўқув йили бўйича охириги битирувчилар ушбу соҳада дипломларини олган ва сиёсий фанларни ўқитиш ҳамда кадрлар тайёрлаш жараёни тўхтатилган эди.

2015 й. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғига кўра, ушбу

фан мавзулари "бир бирини такрорлагани ва Ғарбда кенг тарқалган назариялар тўғрисида маълумот беришга асослангани" учун фан сифатида бекор қилинган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг эркинлашуви инсонлардан сиёсатни чуқурроқ идрок этиш, сиёсий жараёнларда фаол қатнашишини тақозо қила бошлади. Президент Ш. Мирзиёев ўзининг «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобида таъкидлаганидек, халқимизнинг сиёсий тафаккури ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганлиги, атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, ислохотларимизга

26 дахлдорлик туйғуси билан яшамоқда. Президент фикрини давом эттириб, «Айни пайтда ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур»лигини баён этади.

Бундай мақсадга эришишда сиёсий фанларнинг, сиёсатшунос кадрлар тайёрлашнинг аҳамияти беқиёс.

Бу борада 2019 йил 29 январда қабул қилинган «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Президент қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу қарорни қабул қилишдан мақсад:

- сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш;
- фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асослари шаклланиши ва ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш;
- глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;
- шу асосда ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш каби масалалардир.

Қарорга мувофиқ Сиёсатшунослик кафедраларининг фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- илғор хорижий тажриба ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида сиёсатшунослик фанлари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

- жаҳон сиёсатидаги энг янги тренд ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда халқаро даражадаги илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

- «Сиёсатшунослик» фани бўйича ўқув жараёнини мазмун жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари ва режаларини тайёрлаш;

- ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини илгари суриш соҳасида Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар олдида турган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим бериш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг юқори даражасини таъминлаш;

- сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати, халқаро иқтисодиёт ва менежмент, халқаро ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини ўқув жараёнига ҳамда тегишли ўқув режалари ва дастурларига татбиқ этиш.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида ва шу жумладан 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб Бухоро давлат университетида ҳам «Сиёсатшунослик» таълим йўналиши очилиб, сиёсатшунос мутахассислар тайёрлаш бошланди.

Мамлакатимизда ва шу жумладан университетимизда ҳам сиёсатшунос кадрлар тайёрлаш учун барча имкониятлар мухайё қилинган. Бизнингча бу соҳани янада такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Авваламбор, «Сиёсатшунослик» тушунчаси ўрнига «Политология» тушунчасидан кенгроқ фойдалансак фаннинг халқаро фан эканлиги эътироф этилиб, унинг моҳиятини кенгроқ тушиниш имкони яратилади. Ҳаммага маълумки, «Сиёсатшунослик»даги «шунос» тушунчаси тожик-форс тилидан олинган бўлиб, танимоқ, билмоқ маъноларини билдиради. Яъни сиёсатни тушунувчи, билувчи дегани. «Политология»даги «логос» қўшимчаси эса кенгроқ илмий маънони англатиб, таълимот ёки фан деган маъноларни беради. Яъни сиёсат тўғрисидаги таълимот, фан деган маънони англатади.

Назаримизда, фан моҳиятини кенгроқ очиб берувчи Социология, Филология, Зоология каби фанлар қатори Политология тушунчаси ҳам кенг қўлланилса, фаннинг моҳияти кенгроқ очиб берилган бўлар эди.

Сиёсатшунослик таълим йўналиши янги йўналиш бўлганлиги учун ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш зарурати мавжудлиги сезилиб туради. Фан

дастурларидаги айрим мавзулар такрорланади ва уларни янада такоминлаштириш зарурати мавжуд.

Сиёсатшуносликка оид фанларни ўқитишни янада такоминлаштириш самарадорлиги кўп жиҳатдан шу фандан дарс берувчи мутахассислар тайёрлаш самарадорлигига ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан университетимизда янги ўқув йилидан бошлаб Сиёсатшунослик мутахассислигидан магистратура очиш ва магистр кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Кейинчалик сиёсатшунос илмий-педагогикал қадарлар тайёрлашни янада ривожлантириш имкони пайдо бўлади.

Яна бир муаммо - олий таълимнинг барча таълим йўналишларида Сиёсатшуносликнинг ўқитилмаётганлиги айрим ёшларнинг сиёсий ҳаётни тушунишида билим, кўникма ва малака, сиёсий онг, маданият даражаларининг юқори бўлмаслигига олиб келмоқда. Шунинг учун илоҳбатга олиб, барча таълим йўналишлари талабаларига Сиёсатшунослик фани ўқитилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса. Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, Сиёсатшунослик ва шунга яқин бўлган фанларга деярли дунёнинг барча давлатларида талаб катта ва ривожланиб келмоқда ва бу фанлар Ўзбекистон учун ҳам ўта муҳим. Шу билан бирга, бу йўналишдаги тадқиқотларни нафақат олий таълим юртлирида, балки "ақл марказлари" даражасида ҳам ривожлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1."Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ." Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 29 январдаги ПҚ-4139 сонли Қарори // <https://www.lex.uz/acts/4182353>

2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2021 й.

3. Қаландаров Ҳ. Сиёсий фанларнинг ўқитилиши ва сиёсатшунос кадрлар тайёрлаш масаласи.// Ўзбекистонда полдидологиянинг янги босқичи. «Complex Print» нашриёти. Тошкент – 2022 й. 39- 42 бетлар.

4.Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Олий ўқув юртлири талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент. “Я нги аср авлоди” 2013 й. 524 б.

5.ОдилқориевХ.Т.,РаззоқовД.Х.Сиёсатшунослик. Дарслик. “Ўқитувчи”. Тошкент 2008 й.,344 б.

6.Эргашев И.,Абдуллаев Б. “Сиёсатшунос кадрлар тайёрлашда дунё тажрибаси ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари.” //

<https://www.researchgate.net/publication/357484187>